

4-8-2019

## WAYS TO IMPROVE THE EFFICIENCY OF INDICATORS OF DOING BUSINESS RATINGS

D.I Ruzieva

*Tashkent State University of Economics Uzbekistan, 100066, Tashkent, Islom Karimov street, 50,*  
d.ruziyeva@tsue.uz

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot>

---

### Recommended Citation

Ruzieva, D.I (2019) "WAYS TO IMPROVE THE EFFICIENCY OF INDICATORS OF DOING BUSINESS RATINGS," *Economics and Innovative Technologies*: Vol. 2019 : No. 3 , Article 39.  
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2019/iss3/39>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Economics and Innovative Technologies by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

## WAYS TO IMPROVE THE EFFICIENCY OF INDICATORS OF DOING BUSINESS RATINGS

Ruzieva Dilobar Isomjonovna<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Docent Department of Industrial Economics, Tashkent State University  
of Economics

Uzbekistan, 100066, Tashkent, Islom Karimov street, 49

E-mail: [d.ruziyeva@tsue.uz](mailto:d.ruziyeva@tsue.uz)

**Abstract:** This article analyzes the conditions created for “Doing Business” and the work which was done to ensure the protection of the rights and legitimate interests of private owners at the world level. Also, the successful conduction of business is evaluated by 10 criteria of the World Bank. Corresponding conclusions and recommendations for improving the efficiency of the indicators of the rating business have been developed.

**Keywords:** Doing Business, индикатор, миноритар инвестор, контракт, тўловга қобилиятсизлик, чегара олди савдони амалга ошириш, инновация.

## “БИЗНЕС ЮРИТИШ” РЕЙТИНГИ КЎРСАТКИЧЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Рўзиева Дилобар Исомжонова<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Тошкент давлат иқтисодиёт университети Саноат иқтисодиёти  
кафедраси доценти, и.ф.н.

Ўзбекистон, 100066, Тошкент шаҳар, Ислам Каримов кўчаси, 49

E-mail: [d.ruziyeva@tsue.uz](mailto:d.ruziyeva@tsue.uz)

**Аннотация:** Мақолада бизнес юритиш учун зарур шарт-шароит яратилганлиги, хусусий мулкдорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини жаҳон талаблари даражасида таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, бизнес фаолиятини ҳалқаро андозалар даражасига кўтариш бўйича, Жаҳон банкининг бизнесни юритиш ва уни баҳолашга кўйилган 10 та индикаторнинг мамлакатимиздаги ҳолати таҳлил қилинган ва “Бизнес юритиш” рейтинг кўрсаткичлари самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** Doing Business, индикатор, миноритар инвестор, контракт, тўловга қобилиятсизлик, чегара олди савдони амалга ошириш, инновация.

### Кириш

Мамлакат иқтисодиётида амалга оширилаётган тўб ислохотлар натижасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бизнес юритиш учун зарур шарт-шароит яратилиб, хусусий мулкдорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини жаҳон талаблари даражасида таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Юртимизда давлат ва ишбилармон ўртасидаги мулоқотлари бевосита замонавий интерфаол шаклларда жорий этилмоқда. Айниқса, мамлакат иқтисодиётида охирги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрта синфни шакллантириш, мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришда уларнинг салмоғини ошириш, янги иш ўринларини яратиш ва шу орқали аҳоли даромадларини оширишга эришиш борасида етарлича ўрганилмаган.

Юртбошимизнинг бир гапи бор-“Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади[1]”. Бу жумла бежизга эмас, албатта. Дунё амалиётидан кўриш мумкинки, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда кичик бизнес субъектларининг ўрни каттадир. Демак, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини самарали фаолият олиб бориши ва уларнинг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, халқаро андозалар талабларига жавоб берадиган янги тизим барпо қилиш зарурати туғилмоқда. Аммо, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини баҳолаш учун етарлича иқтисодий механизмлар ишлаб чиқилмаган. Шу сабабли тадбиркорлик субъектларининг фаолияти етарлича ўрганилмаган.

#### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Бизнес ва уни самарали юритиш, ташкил этиш ва бошқариш борасида бир қатор иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида кенг маълумотлар келтириб ўтилган. Мисол учун, В.Г. Басарева (Россиялик олим) нинг илмий ишида [3], кичик тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш борасида давлатнинг ҳудудий сиёсатини ишлаб чиқиш масалалари келтириб ўтилган.

Б.П.Борисова, И.В.Качубея таҳрири остидаги “Этюд в духе постмодерна”[4] монографияда Ф.Котлернинг бизнесга киришнинг философияси тўғрисида [5] унинг назарий ва методологик ёндашувлари асослаб берилган.

Ўзбек олимлардан Ё.Абдуллаев, Ф.Каримовларнинг илмий ишида [6], кичик бизнес ва тадбиркорликнинг назарий, ташкилий ва иқтисодий томонларига асосий эътибор қаратилган.

М.М. Абдурахмонов [7] ва У.В. Гафуровнинг [8] ишларида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, қўллаб-қувватлаш масалалари, уларнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли, ривожланиш динамикаси ва унинг хусусиятларига эътибор берилган. Аммо бизнесни юритиш ва уни баҳолашга жаҳон тажрибаси талаблари даражасида таҳлил қилишга эътибор берилмаган.

#### **Тадқиқот методологияси**

Мақола мавзуси бизнесни юритиш, бизнес фаолиятини халқаро рейтинг талаблари даражасига кўтаришга қаратилган бўлиб, аввало мавзу долзарблиги асослани, ушбу соҳа бўйича хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий ишлари ўрганилди. Жаҳон банкининг бизнесни юритиш ва уни баҳолашга кўйилган 10 та индикаторнинг мамлакатимиздаги ҳолати таҳлил қилинди. Уни таҳлил қилишда қиёсий таҳлил, тузилмавий таҳлил ва монографик таҳлил усуллардан фойдаланилди ва таклифлар ишлаб чиқилди.

#### **Таҳлил ва натижалар**

Мамлакатимиз иқтисодиётида бизнес юритишни ташкил қилиш ва кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши қўйидаги статистик маълумотларда ҳам келтирилган. Биргина 2018 йилнинг 1 январь ҳолатида кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирликда) 12,4 бирликни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2019 йилнинг 1 январь ҳолатида 13,2 бирликни ташкил этди яъни бу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан 0,8 бирлик юқори эканлигини кўриш мумкин.

2019 йилнинг 1 январь ҳолатида кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 59,4 %ни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йилнинг 1 январь ҳолатида 54,9 %ни ташкил қилган эди. Мамлакат иқтисодиётида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар ЯИМ таркибида кичик бизнес улушининг 4,5 % га ошганлигини кўриш мумкин [9].

Шу йилларда мамлакат иқтисодиётида фаолият олиб бораётган кичик тадбиркорликнинг тармоқлар бўйича фаолияти таҳлили қўйидаги жадвал маълумотларида келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал

Республикамиз иқтисодиёти фаолият олиб бораётган кичик тадбиркорликнинг тармоқлар бўйича таҳлили

	саноат		Қурилиш ишлари		Инвестициялар		Қишлоқ хўжалиги ва балиқ хўжалиги		Жами хизматлар		Чакана савдо айланмаси		Экспорт	
	2017	2018	2017	2018	2017	2018	2017	2018	2017	2018	2017	2018	2017	2018
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида	41,2	34,7	64,8	66,6	34,8	34,9	98,9	98,7	58,3	55,2	88,4	86,3	27,2	26,5
Қорақалпоғистон Республикаси	20,2	18,7	77,4	84,6	31,4	21,7	99,5	99,5	60,8	57,5	91,1	88,8	8,6	9,8
Андижон вилояти	34,5	19,8	93,8	96,4	55,9	53,8	99,7	99,6	74,4	71,7	91,9	88,8	56,1	74,1
Бухоро вилояти	43,5	41,1	66,2	82,6	9,7	25,5	99,3	99,5	74,6	72,7	91,0	87,2	41,8	44,5
Жиззах вилояти	63,9	64,4	89,3	93,7	54,9	40,4	99,7	99,8	73,4	67,9	94,3	91,2	75,8	89,6
Қашқадарё вилояти	23,1	21,4	75,4	82,7	11,8	11,3	99,5	99,5	72,2	70,2	92,8	92,6	38,2	37,2
Навий вилояти	19,4	16,1	75,4	70,7	23,3	14,7	98,2	98,6	66,5	62,0	93,8	91,4	20,0	17,1
Наманган вилояти	72,6	68,5	95,1	92,4	51,3	45,5	99,7	99,7	73,0	69,5	91,1	90,6	90,0	83,8
Самарқанд вилояти	56,0	51,1	91,3	98,3	61,2	54,0	97,4	97,4	76,0	73,6	93,0	90,5	82,6	80,0
Сурхондарё вил.	51,1	47,1	7,0	78,3	33,5	31,6	99,4	99,5	76,5	73,2	92,4	92,4	69,3	87,8
Сирдарё вилояти	49,6	52,1	87,0	92,5	44,8	48,3	99,4	99,6	65,9	63,3	92,2	93,6	71,9	82,8
Тошкент вилояти	30,0	23,5	77,2	76,5	42,3	40,1	97,2	96,9	76,0	73,8	89,6	88,0	20,0	29,2
Фарғона вилояти	39,7	35,8	86,7	90,4	49,8	52,6	9,0	96,5	75,5	72,5	91,3	88,4	44,2	48,8
Хоразм вилояти	42,9	31,7	85,1	88,4	52,6	50,2	99,8	99,9	71,2	68,4	87,0	80,1	50,2	67,5
Тошкент шаҳри	72,9	72,9	70,9	72,0	52,1	52,3	x	x	51,7	50,0	77,7	75,5	19,2	24,1

Манба: Ўзбекистон Республика давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Юқоридаги жадвалда бугунги кунда юртимизда кичик тадбиркорликнинг иқтисодиёт соҳаларидаги фаолияти яъни саноатда, қурилиш ишларида, қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва балиқ хўжалигида, инвестициялар соҳасида, хизматлар соҳасида, чакана савдодаги ва шу соҳанинг экспортдаги салмоғининг 2 йиллик статистик маълумотлари келтирилган.

Келтирилган статистик маълумотлар асосида шуни айтиш мумкинки, ўтган йиллар давомида кичик тадбиркорликнинг саноат тармоғида 6,5 фоизга, қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва балиқ хўжалигида 0,2 фоизга, хизматлар соҳаси 3,1 фоизга, чакана савдо айланмаси 2,1 фоизга, экспорт ҳажми 0,7 фоизга пасайишини кўриш мумкин. Бундан ташқари кичик тадбиркорликнинг қурилиш соҳасида 1,8 % га ва

инвестицияларнинг 0,1%га ошганлигини кўриш мумкин. Келтирилган маълумотларга кўра кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 6,5 фоизга пасайганлигини кўриш мумкин. Бундан ташқари, кичик тадбиркорликнинг ҳудудлар кесимидаги ҳолатини таҳлил қилсак Бухоро вилояти (0,2%), Навоий вилояти (0,4%), Фарғона вилоятида (2,5%), Самарқанд вилоятида (0,3%) ва Тошкент вилоят (0,3%) ларида қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғида ўсиш суръатлари пасайганлигини кўриш мумкин. Хизматлар соҳасида ва чакана савдо айланмасида ҳудудлар кесимида олиб борилган фаолият пасайганлигини кўриш мумкин.

Статистик маълумотларнинг таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, мамлакат иқтисодиётида кичик тадбиркорликнинг хизматлари соҳасида, чакана савдо айланмасида ва экспорт салмоғини ошириш борасида муаммолар мавжуд.

Дунё амалиётдан бизга маълумки, мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг ҳолати Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” халқаро рейтинги талаблари асосида баҳоланиб борилади. Бунда, мамлакатларда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш соҳасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини ва тартибга солиш жараёнларини такомил-лаштиришга, қулай бизнес муҳитини ва халқаро майдонда мамлакатнинг ижобий нуфузини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг натижаси Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида ўз аксини топади.

Юртимизда кейинги йилларда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини халқаро рейтинг талаблари даражасига кўтариш ва мамлакатда тадбиркорлик муҳитини яхшилаш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бизга маълумки, юртимизда Жаҳон банкининг “Бизнесни юритиш 2018” (Doing business) ҳисоботидаги 10 та индикаторнинг 6 таси бўйича сезиларли ўсиш қайд этилган.

Бу 10 та индикатордан яъни тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, қурилиш учун рухсатномалар олиш, электр таъминоти тизимига уланиш, мулкни рўйхатдан ўтказиш, кредит олиш, миноритар инвесторларни ҳимоя қилиш, халқаро савдо, солиққа тортиш, контрактлар ижросини таъминлаш, тўловга қобилиятсизликни ҳал этиш соҳаларидан 6 таси бўйича сезиларли ўсиш қайд этилган. Буларга:

- тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тизими АҚШ, Япония, Франция, Германия, Италия, Испания, Дания ва бошқа ривожланган давлатлардан ўтиб, 11-ўринга кўтарилди;

- электр таъминоти тизимига уланиш кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон АҚШ, Нидерландия, Янги Зеландия, Испания, Латвия, Туркия, Қозоғистон, Канада, Исроил каби мамлакатлардан ўтиб, 56-поғона юқорилаб, рейтингда 27-ўринни эгаллади;

- қурилиш учун рухсатномалар олиш кўрсаткичи бўйича мавжуд 23 та ҳужжатдан 17 тага қисқарди ва мамлакат рейтинги 12-поғонага кўтарилди;

- солиқ солиқ ҳисоботларини топширишнинг тўлиқ электрон шаклига ўтиши бўйича 138-ўридан 78-ўринга кўтарилиб, олинган солиқлар миқдори бўйича 20-поғона юқorigа кўтарилди, аммо бу кўрсаткич бўйича АҚШ, Австралия, Германия, Швеция, Туркия, Хитой ва Россия давлатларидан анча орқанда қолмоқда;

- мулкни рўйхатдан ўтказиш кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон 73-поғонани эгаллаб турибди.

Ўзбекистон Жаҳон банки Гуруҳининг тадбиркорлик муҳитини яхшилаш бўйича "Бизнесни юритиш-2019" (Doing Business 2019) рейтингда **74-ўриндан 76-ўринга** икки поғонага тушди [2].

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, “Бизнесни юритиш 2019” (Doing business)нинг янги рейтингига кўра Ўзбекистон “Корхоналарни рўйхатдан ўтказиш” бўйича - 12, “Электр таъминот тизимига уланиш” бўйича – 35, “Шартномалар ижросини таъминлаш” бўйича – 41, “Кредит олиш” бўйича – 60, “Миноритар инвесторлар ҳимояси” бўйича – 64, “Солиққа тортиш” бўйича – 64, “Мулкни рўйхатдан ўтказиш” бўйича – 71, “Қурилишга рухсат олиш” бўйича – 134 ва “Халқаро савдо” бўйича 165-ўринни эгалланганлигидан кўриш мумкинки, мамлакат аксарият кўрсаткичлар бўйича ижобий динамикага эришди.

## 2-жадвал

### Ўзбекистоннинг «Doing Business» бўйича рейтинг кўрсаткичлари динамикаси

т/р	Кўрсаткичлар	2017 йил	2018 йил	2019 йил	Фарқи	
					2017 йил 2018 йилга нисбатан	2018 йил 2019 йилга нисбатан
1.	Бизнес корхоналарни рўйхатдан ўтказиш	23	11	12	+12	-1
2.	Хусусий мулкни рўйхатга олиш	81	73	71	+8	+2
3.	кредитлар олиш	42	55	60	-13	-5
4.	Солиқ солиш	139	78	64	+61	+14
5.	шартномалар ижросини таъминлаш	37	39	41	-2	-2
6.	Тўлов қобилиятсизлигини ҳал қилиш	72	87	91	-15	-4
7.	Миноритар инвесторларни ҳимоя қилиш	78	62	64	+16	-2
8.	Электр таъминоти тармоғига уланиш	78	27	35	+51	-8
9.	Қурилишга рухсатномалар олиш	147	135	134	+12	+1
10.	Халқаро савдо	166	168	165	-2	+3
11.	<b>Умумий кўрсаткич</b>	<b>87</b>	<b>74</b>	<b>76</b>	<b>+13</b>	<b>-2</b>

Манба: Муаллиф томонидан умумлаштирилди

Айниқса, Ўзбекистон чегара олди савдони амалга ошириш, миноритар инвесторларни ҳимоя қилиш ва солиққа тортиш соҳаларида энг катта ютуқларга эришди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Doing Business» халқаро рейтингда республика ўрнини яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш келтириб ўтилган. Мисол учун Doing Business индексида позицияларни яхшилаш мақсадида 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқланганлиги ёки «Doing Business» халқаро рейтингда келтирилган барча индикаторларни самарали амалга ошириш бўйича аниқ механизмларнинг яратилганлигини айтиш мумкин.

Иқтисодиёт вазирлигининг матбуот хизмати маълумотида кўра Ўзбекистон бизнес учун шароитларни яхшилашга ҳаракат қилаётган 10 та ислохотчи давлат қаторига кирганлиги ижобий натижадир.

Дарҳақиқат, юртимизда бизнес юритишнинг халқаро талаблар даражасида ташкил қилиш, уларни самарали фаолият олиб боришларидаги тўсиқларни бартараф



қилиш, баҳолаш жараёнидаги мавжуд муаммоларни бартараф қилиш орқали Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилаш ишлари амалга оширилмоқда. Буни Президентимизнинг 2019 йил 5 февралдаги “ Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4160-сонли, 2019 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва 2019 йил 7 мартдаги “Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга оид чора-тадбирларни тизимлаштириш тўғрисида”ги фармонининг қабул қилинганлигидан кўриш мумкин.

Бу эса бизга, мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида бизнесни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш масалаларида шакланган ёндашувларни қайтадан кўриб чиқишни, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишнинг янги тизими яратилганлигидан далолат беради.

Аҳолини тадбиркорлик фаолиятига янада фаол жалб этиш ва хусусий бизнесини бошлашга, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг барча босқичларида юзага келаётган муаммоларни ортиқча сарсонгарчиликларсиз ва қоғозбозликсиз тезкор ҳал этишга хизмат қиладиган бозор инфратузилмасининг барқарор ишлаши ва янада ривожланишини мувофиқлаштирувчи амалий механизмнинг самарали тизимини яратиш беради.

Дунё амалиётидан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, бизнес юритишнинг глобал рейтингда Янги Зеландия биринчи ўринни эгаллаган. Кейинги ўринларни Сингапур, Дания, Хитой, Гонгконг, Корея Республикаси, Норвегия, Буюк Британия, АҚШ, Швеция каби бир қатор мамлакатлар эгаллаган.

Биргина Сингапурда имтиёзли солиқларни қўлланилиши, турли хилдаги бюрократик тўсиқларнинг мавжуд эмаслиги ва шунга ўхшаш имкониятларнинг яратилганлиги дунёнинг турли мамлакатларидан юқори илғор технологияларга асосланган тадбиркорлик субъектларини жалб қилишга шароит яратади. Бу мамлакат, бизнес юритишдаги енгилликлар бўйича дунёнинг энг юқори 3 талигига киради. Бундан ташқари, БРИК –Бразилия, Россия Федерацияси, Ҳиндистон ва Хитой давлатлари ҳам бизнесни юритишнинг самарали йўлига ўтиш учун 21 та ислоҳот олиб бориб, электроэнергия ва чегара олди савдони амалга ошириш соҳаларида ривожланиш босқичига чиқиб олдилар.

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси ҳам Жаҳон банки ва бошқа халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш бўйича ишлаб чиқилган “Йўл харитаси” асосида фаолият олиб бориб, яқин 2022 йилга келиб республиканинг 20-ўринга эришишини назарда тутмоқда.

### **Хулоса ва таклифлар**

“Бизнес юритиш” рейтинги кўрсаткичлари самарадорлигини оширишга бевосита ўз таъсирини ўтказадиган бир қатор қўйидаги муаммолар мавжуд. Буларга: 2017 йилнинг 1 апрелидан бошлаб мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини 30 дақиқада онлайн рўйхатдан ўтказиш тизими ишлай бошлаган бўлишига қарамасдан ҳозирги вақтга қадар тадбиркорлик субъектини ўз фаолиятларини бошлашлари учун давлат солиқ хизмати органларида ва давлат статистика органлари ҳисобига қўйиш каби бир қатор расмийликлар сақланиб келаётганлигини айтиш мумкин. Бундан ташқари қурилиш соҳасида фаолият олиб боришларига рухсат беришга оид 17 та

тартиб мавжуд бўлиб, уларни олиш учун ўртача 246 кун сарфланиши ва уни 120 кунга тушириш, электр энергияси тизимига уланиш учун мавжуд бўлган жараёнларни 4 тадан 2 тага тушириб, 88 кундан 33 кунга ўтказиш, хусусий мулкни рўйхатга олиш жараёнини, 9 та жараёндан 3 та жараёнга тушириб, уни 46 кун мобайнида эмас, балким 2 кун мобайнида амалга ошириш, халқаро савдо борасида экспортга ҳужжатларни расмийлаштиришни 96 соатдан 2 соатга етказишга қаратилган чоратadbирлар амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мамлакат иқтисодиётида “бизнес юритиш” рейтинги кўрсаткичлари самарадорлигини ошириш учун кичик бизнес тadbиркорлигининг тармоқлар кесимидаги таҳлиллардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда юртимизда ҳудудларда хизматлар соҳасида, чакана савдо айланмасида ва шунга мос бошқа тармоқ соҳалари фаолиятини халқаро рейтинг талаблари даражасига кўтариш учун мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини янада такомиллаштириш зарур. Бунда ҳудудий имкониятлардан келиб чиқиб, ҳар бир ҳудуднинг мавжуд имкониятлари инobatга олиниб кичик тadbиркорлигини ривожлантиришда уларга алоҳида переференцияларни яратиш тизимини йўлга қўйиш лозим.

## References

1. Mirziyoev SH.M. Erkin va farovon, demokratik o'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. Toshkent - O'zbekiston - 2016 y.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti SHavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasini o'rganish va keng jamoatchilik o'rtasida targ'ib etishga bag'ishlangan Ilmiy-ommabop qo'llanma. Toshkent - Ma'naviyat 2019.
3. Basareva V.G. Maliy biznes Rossii: teoreticheskie osnoviy issledovaniya, modelirovanie, konsepsiya gosudarstvennogo regulirovaniya / pod red. A.S. Novoselova. – Novosibirsk: IEOPP SO RAN, 213 – 296 s.
4. Borisova B.P., Kachubeya I.V. Pod nauchnoy redaksiyey “Etyudiy v duxe postmoderna” bornik stetey pod v forme monografii Moskva.Berlin 2016g.
5. Strategicheskoe razvitie malago biznesa i formiy podderjki individualnogo predprinimatelstva [Elektronniy resurs]: monografiya. – Nijniy Novogorod: NOO “Professionalnaya nauka”, 2018. – Rejim dostupa: <http://scipro.Ru/Conf/monographbusiness>.
6. Abdullaev YO., Karimov F. Kichik biznes va tadbirkorlik asoslari. – T.: Mehnat, 2010. - 349 b.
7. Abduraxmonova M.M. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub'ektlari faoliyatini davlat tomonidan qo'llab-quvvatlashni takomillashtirish. Dis. iqt. fan. nomz. - F., 2012.
8. Gafurov U.V. Kichik biznesni davlat tomonidan tartibga solishning iqtisodiy mexanizmlarini takomillashtirish. Monografiya. – T.: Moliya, 2016. – 208 b.
9. O'zbekiston Respublika davlat statistika qo'mitasi ma'lumotlari